



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 ЙИЛ 16 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 144 (13.991)

Баҳоси эркин нарҳда



## ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚЛАР МАДАНИЯТИНИ БОҒЛОВЧИ МУҲИМ КЎПРИК



**Дунёда латиф шаҳар мақомига эга ягона кент – Қўқон бугун ҳар қачонгидан-да мафтункор. Бу ерга келган киши ўзини эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этади. Ҳўқанди латиф кўҳна тарих ва замонавий тараққиётнинг мезон ва аънаналарини уйғунлаштириб, бир пайтнинг ўзида ҳам шарқона латофати, ҳам замонавий дунё тамаддунига ҳамоҳанг ҳашамати билан жаҳон ҳамжамиятини ўзига қаратмоқда.**



Ўзбекистонда минг йиллар давомидида Буюк Ипак йўлида алоҳида аҳамият касб этиб келган замин. Тарихий шаҳару қишлоқларимиз кўп. Лекин Шарқу Фарғони боғловчи кўприклар, маданиятлар бирлашган масканлар орасида Фарғона водийси ўзгача ўрин тутарди.

Тарихий манбалар водийда хунармандчиликнинг жуда кўп тури, айниқса, кулолчилик, ипак ва абри матолар тўқиб, ёғоч уймақорлиги, пишқочилик, дўпидўзлик кенг ривожланганидан гувоҳлик беради. Бу маҳсулотлар савдо қаровонлари орқали бутун дунёга тарқалган.

Ўзбекистонда кўпчилик кундалик ҳаётининг ажралмас қисми бўлган хунармандчилик санъати, ҳуқуқ, ёғоч уймақорлиги, ганҷкорлик, кулолчилик, тўқимачилик, зардўзлик, созгарлик, қандакорлик, заргарлик неча-неча минг йиллик тарихга, ўзига хос ижодий мактаб ва аънаналарига, атоқли намояндалик эга. Моҳир усталар томонидан тайёрланган қўллаб бадий хунармандчилик ва амалий санъат маҳсулотлари бугунги кунгача дунёнинг машҳур музейларида сақланиши уларнинг жаҳон халқлари тарихида муҳим ўрин тўқиди.

Шундай омиллар сабаб бўлса керак, бу ноёб санъатнинг қўллаб йўналишида самарали фаолият кўрсатилган, уларга издош ва ворис бўлган истеъдодли хунармандлар доимо эл-юрт орасида хурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб, “уста”, “устазода” деган шарафли номлар билан эъзозланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг миллий маданиятимизнинг барча соҳалари қатори хунармандчиликни, унинг аънава ва мактабларини тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилларда ана шу бой маданият меросимизни асраб-авайлаш, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, бу борада тарихий аънаваларни изчил давом эттириб келаётган моҳир усталарнинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида тегишли фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларга янги имконият ва имтиёзлар яратилди.

Бундай амалий саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда миллий хунармандчилик санъати жадал ривожланмоқда. Мисол учун, 2017 йилгача “Хунарманд” уюшмасининг 10 мингга яқин аъзоси бўлган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сонини қариб уч баробар кўпайтди.

Хунармандчилик янги иш ўринлари ташкил қилиш, ёшларни фойдаланиш мақсадида жалб этиш, туризмни ривожлантириш борасида ҳам катта имкониятлар манбаи ҳисобланади. Шу боис юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган маъруза дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йили хунармандчилик ривожига йўналтирилган лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш орқали 40 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган 5 мингдан зиёд “Уста-шоғирд” мактаблари 23 мингдан ортиқ йигит-қизга касб сирларини ўргатилди.

Бугун қўли гул уста ва устазодалар халқ хунармандчилигининг турли соҳаларида қадимий аънаваларни замонавий тажриба ва янгиликлар билан уйғунлаштирган ҳолда катта ютуқ ва натижаларни қўлга киритмоқда. Миллий хунармандчилик ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, иқтидорли шоғирдлар тарбиялаб, ўз ижодий мактабларини яратган заҳматқаш усталар рағбатлантирилиб, уларнинг меҳнати алоҳида эътироф этилаётган. Жумладан, юзлаб уста ва хунармандлар давлатимизнинг юксак мукофотлари – фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Хунармандчилик халқимиз кундалик ҳаётини тобора мустақам ўрин эгалламоқда. Бу йил Ўзбекистонда илк бор ташкил этилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали учун Қўқон шаҳри танлангани ҳам бежиз эмас. Қўқон шаҳрининг кўрғижа кўр қўшиб турган Худойберқон Ҳудасиннинг ноёб меъморий безаклари ва таровати ҳеч бир инсонни ҳайратга солмай қўймайди. Ундан қадим Шарқнинг сирли нафаси уфуриб туради. Ушбу қадимий ва гўзал шаҳар моҳир хунармандлар маскани, халқ бадиий ва амалий санъатининг маркази сифатида дунёга маълум машҳур.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли фестиваль иштирокчилари!

Мухтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Аввало, сизларни сўлим ва мафтункор Фарғона водийсида, қадимий ва гўзал Қўқон шаҳрида кутлашдан бағоят мамнунман.

Барчангизни ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилаётган биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Фурсатдан фойдаланиб, Жаҳон хунармандлар кенгаши президенти, хурматли Рози Гринлис хонимга анжуманимизда шахсан иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик билдиришга руҳсат этаёйсиз.

Фестивалимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси маданият вазири Владимир Мединскийни, Қозғоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Акўтти Раимқулловни, Туркменистон маданият вазири Атагелди Шамуродовни, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Ҳурмутовни, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Абулфас Гареевни, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманқулловни, Беларус Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Наталья Карчевскаяни, Арманистон Республикаси таълим, фан, маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Нарина Хачатуряни чин дилдан кутлаймиз.

Бундан ташқари, Хитой санъат ва хунармандчилик уюшмаси президенти Ху Нианшанга, Ҳиндистоннинг Харяна штати туризм вазири ўринбосари Вижай Вардханга, Малайзия халқ амалий санъатини ривожлантириш корпорацияси бош директори Энчик Ибрагим бин Исмоилга, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Юртини мартабали вакиллари ҳамда Жаҳон хунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани, Америка ва Африка минтақалари бўйича раҳбарларига самимий миннатдорлик билдирамиз.

Давраимизда хоржий давлатларнинг Ўзбекистондаги мухтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллариини кўриб турганимиздан хурсандимиз.

Фестивалимизда дунёнинг 78 та давлатидан 370 дан зиёд моҳир хунарманд, таниқли маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

**Барчангизни чин юракдан кутлаб, Ўзбекистонга, ушбу анжуманга бўлган катта хурмат ва эътиборингиз учун ташаккур изҳор этаман.**

Хурматли фестиваль иштирокчилари!

Маълумки, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати дунёдаги ҳар бир халқ ҳаётида, унинг турмуш тарзи ва қадриятлари ривожига алоҳида ўрин тутарди.

Инсониятнинг онгли ҳаётида хунармандчиликнинг пайдо бўлиши – бу цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам, десак, ҳақиқатини айтган бўламиз.

Башарият фаҳри бўлган буюк шаҳарлар, меъморий обидалар, тарихий ва археологик ёдгорликлар, минглаб музейлардаги нодир экспонатлар бу фикрнинг яққол тасдиқлайди. Ҳаммамизга аёнки, халқ амалий санъати – бу аввало, табиат билан уйғун бўлиб, табиатдан завқ ва илҳом олиб, бетакорор ижод намунасини яратидир.

Ўзингиз тасаввур қилинг, оддий қора тупроқдан, бир бўлак темир ёки ёғоч парчасидан ноёб ва гўзал буюмлар яратиб, таъбир жоиз бўлса, уларга “жону тил” бағишлаш учун хунармандга нафақат машаққатли қўл меҳнати, балки қалб ҳарорати керак. Но-зик дид ва маҳорат, сабр-тоқат, энг муҳими, ўз касбига чексиз меҳр ва садоқат, фидойиллик керак.

Шу билан бирга, чинакам хунар соҳиб – у кулол бўладими, қандакор ёки тўқувчи бўладими, нақош ёки заргар бўладими – ўз ишини аъло даражада бажариш учун жуда кўп илмлардан, аввало, кимё, биология, тиббиёт,

физика, геометрия, астрономия, тарих, фалсафа каби фанлардан баҳардор бўлиши, уларни амалда қўллаб билиши зарур.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман.

Бутун дунёга машҳур бўлган миллий каштачилик санъатимиз, қадимий сўзанагаримиздаги сирли, мўъжизали, илоҳий нақшлар, ранглар жиноси замирида фалақийёт илми, космогоник та-саввурлар мужассам экани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Халқимиз азалдан ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган моҳир хунармандларни “уста” ва “устазода” деган номлар билан улуғлаб, эъзозлаб келади.

Шу ўринда буюк мутафаккир Баҳуддин Нақшбанд бобомизнинг “Хунар шундай тулпорки, унга минган киши албатта хурмат-эътибор топгай ва саодат манзилига етгай”, деган ҳикматли сўзларини эслаб ўтишни жоиз, деб биламан.

Келгуси йили таваллудининг 700 йиллиги нишонланганидан бу табаррук зот нафақат азиз-авлиё, аввало, ўзлари ҳам етуқ хунарманд, аҳли хунарнинг пири бўлганлар, Бу улуг сиймо-нинг “Дилнинг – Оллоҳда, кўлнинг – меҳнатда бўлсин” деган эзгу даъва-тига амал қилиб, юртимиздаги минг-миң хунармандлар ўзларининг машаққатли, ҳалол меҳнати, инсоний фазилатлари билан халқимизга, ёшларимизга ибрат ва намуна бўлиб келмоқ-далар.

Айни вақтда бугунги глобаллашув ва юксак технологиялар асрида халқ амалий санъатида шунчаки ўтмиш ёдгорлиги сифатида бешиқдан қараш хўлат-лари ҳам, афсуски, учраб турибди. Агар бу нодир санъатни давлат ва жамият томонидан кенг қўллаб-қувватламас эканмиз, эртага кеч бўлади – хунар-мандлик соҳаси бугунги даврнинг кескин рақобатига бардош беролмайди.

Шу маънода, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга беэавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда мана шундай халқаро анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Ўзбекистонда хунармандлар меҳнати қадрлаш, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун тегишли ҳуқуқий асос, имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилаётган, ўз сафларига минглаб усталарни бирлаштирган “Хунарманд” уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Бухоролик машҳур зардўз Муяссар Темирова, самарқандлик таъмирчи уста Мируром Асадов, фарғоналик ёғоч уймақори Абдуғани Абдуллаев каби юртдошларимиз мамлакатимизнинг энг олий мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани ушбу соҳа вакиллариининг шарафли меҳнатига юксак эътибор ифодасидир.

Биз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билимлар билан бирга, халқ амалий санъати сирларини ҳам пухта эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда-миз. Республикаимиз пойтахти ва жойларда ушбу йўналишда ўнлаб фести-валь ва ярмаркалар, савдо кўرғазма-лари, кўрлик-танловлар ўтказилмоқда, ёшлар учун хунармандчилик мактаб-лари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, бу соҳа вакиллари мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиб, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, туризм-ни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Биз тарихимиз, миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган, қадимий ва бой аъна-валарга эга хунармандчилик соҳасини ривожлантиришга янада катта эъти-бор берамиз. Бу борада мазкур халқ-аро фестиваль давомидида ўртага таш-ланган амалий фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Қадрили дўстлар! Ўзбекистонда илк бор ўтказилаёт-ган Халқаро хунармандчилик фестива-

ли учун айнан Қўқон шаҳри танлангани албатта, бежиз эмас. Буюк Ипак йўли чорраҳасида бўлаётган бу қадимий шаҳар ҳақиқи равишда “олтин водий” деб ном олган гўзал Фарғона во-дийсининг гавҳаридир.

Икки минг йиллик шонли тарихга, сўлим табиатга эга, қанча-қанча буюк воқеаларга гувоҳ бўлган Ҳўқанди лати-ф миллий давлатчилик, илму хунар, санъат ва адабиёт раванқининг ёрқин тимсолидир.

Қўқона Фарғона замини жаҳон илм-фани ва маданиятига Аҳмад Фарғоний, Бурхонуддин Марғинович, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Амирий ва Нодирабегим, Жаҳон отин Увайсий, Мавлоно Муқимий, Зокиржон Фуқрат каби ўнлаб мутафаккир зотларни, улуг шоир ва адабларни, Қодиржон Ҳайдаров сингари машҳур хунар усталарини етказиб бергани билан ҳар қанча фарҳансас арзийди.

Биргина мана шу Фарғона вилояти-нинг ўзида миллий хунармандчилик-нинг қандай машҳур брендлари бор. Бу ҳақда гапирганда, Марғилоннинг қамалақдек тавналаган машҳур атлас ва адрасларини, Риштоннинг бетакорор қулоччилик санъатини, Қўқоннинг ёғоч уймақорлиги ва нақшош мактабидан, ўймақорлиги, ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ.

Бугунги кунда бутун юртимиз, бу-тун Фарғона вилояти каби Қўқон шаҳ-ри, унинг қиёфаси ҳам тубдан ўзга-риб, ҳар томонлама обод бўлиб, мамла-катимизнинг йирик иқтисодий ва ма-даният марказларидан бирига айлан-моқда.

Ҳабарингиз бор, ушбу фестиваль арафасида шаҳар ҳаётида яна бир му-ҳим воқеа юз берди. Жаҳон хунар-мандлар кенгаши томонидан Қўқон шаҳрига “Жаҳон хунармандлари шаҳри” деган юксак унвон берилди. Яъни, Қўқон шаҳри дунё хунарманд-чилик харитасида ҳам муносиб ва мустақам ўрин эгаллади.

Қўқон шаҳри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчи бўлиб ушбу рўйхатда киритилганини биз мамлака-тимизда халқ амалий санъатини ри-вожлантиришга қаратилган ишларимиз-га халқаро миқёсда берилган катта баҳо, деб қабул қиламан.

Қуни кеча Жаҳон хунармандлар кен-гашининг Осиё-Тинч океани минтақа-си президенти Гада Хижобий Кадду-мий хоним Қўқон шаҳрига ана шу гу-воҳномадан тантанали равишда топшир-ди.

Мана шу қувончли айёмда мухтарам Қўқон аҳлини, бутун Ўзбекистон хунар-мандларини ана шундай юксак эъти-роф билан чин дилдан табриқлайман.

Бундай улкан эътибор учун Жа-ҳон хунармандлар кенгаши ва унинг президенти, хурматли Рози Гринлис хонимга ўз номимдан, халқимиз но-мидан чўқур миннатдорлик билдири-шга ижозат бергайсиз.

Мухтарам юртдошлар! Азиз меҳмонлар!

**Ушбу халқаро фестиваль нафақат кўп миллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байра-ми, десак, тўғри бўлади.**

**Бу – олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли қадрият ва аънаваларни ўзида яққол намоеён этадиган, муштарак дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманидир.**

**Аминманки, дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни, гўзаллик ва нафосатни тарғиб этадиган бу фести-валь жаҳон майдонидида албатта ўзи-нинг муносиб ўрнини топади.**

Барчангизни меҳмондўст ва саховат-ли Ўзбекистон заминидида яна бир бор чин юракдан кутлайман.

Ушбу анжумани юксак савияда ўткази-ш учун сидқидилдан ҳизмат қилган барча юртдошларимизга, меҳнатқаш, оққўнли, бағрикенг Фарғона элига, Қўқон аҳлига самимий ташаккур бил-дираман.

Фестивалнинг барча қатнашчилари-га, мухтарам меҳмонларимизга сихат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тила-лайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

• Термиз шаҳридаги 2-оилавий поли-клиникада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бўлинмаси ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. Чуқурлаш-тирилган тиббий кўрик доирасида ҳар-бий хизматчиларнинг оила аъзолари ги-неколог, болалар шифокори, терапевт каби малакали мутахассислар қабулида бўлиб, тегишли маслаҳат ҳамда тавсия олди. Рентген, УТТ, ЭКГ ва бошқа замона-вий тиббий усуллардан ёрдамида си-фатли кўриқдан ўтказилди.

• Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демок-ратик партияси Жиззах вилояти кенга-ши томонидан “Сайловлар: галаба стра-тегияси ва тактикаси” мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Иштирокчиларнинг фикрига кўра, жорий йил декабрь ойи-да бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгаш-ларга депутатлик сайловлари аввалги-ларидан бошқача, яъни кўпчиликнинг фаол иштироки билан ўтади.

• Хўжаобод туманида фермер хўжа-ликлари раҳбарлари, ҳисобчилари, тад-биркорлар иштирокида ўтказилган тад-бирда мутахассислар томонидан қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларида Ўзбеки-стон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона им-тиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳияти, қўшил-ган қиймат солиғини ҳисобга олиш ҳамда унинг “айланиш” механизми орқ-али хўжаликлар кўрадиган фойда, мил-лий иқтисодиётимизнинг ўсиш жараён-лари аниқ мисоллар ёрдамида кўрсати-б берилди.

• Термиз шаҳридаги Матбуот уйида вожадаги туризм намойиши объектла-рида туристлар хавфсизлиги ва жамоат тартибининг сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш мавзуи-га бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда хавфсиз туризмни таъ-минлаш тартиб-таомиллари тўғрисида фикр алмашилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берил-ди.

### ЖАҲОНДА

• Бутун дунёда 150 млн.дан кўпроқ бола меҳнат қўллигида қолмоқда. Бу ҳақда БМТнинг қулликнинг замонавий шакллари масалалари бўйича махсус маърузачиси Урмила Бхоола маълум қилган. “Баҳолашларга кўра, бутун дунёда 152 млн. бола (64 млн. қиз ва 88 млн. ўғил бола) мажбурий меҳнатга дучор қилинади. Бу деярли ҳар ўнчинчи бола дегани”, дейилган БМТ маъруза-сида. Маърузачининг таъкидлашича, болаларни эксплуатация қилиш шаклла-рига уларни гиёҳванд моддалар савдо-сида қўллаш ва мажбурий эрта никоҳ-лар ҳам қиради. Бундан ташқари, энг кам ривожланган давлатларда 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган деярли ҳар тўртинчи бола ўз саломатлиги учун зарарли меҳ-нат билан шугулланади. Африка бола-лар меҳнати кўрсаткичлари энг юқори-лиги бўйича Осиё-Тинч океанидан ўзиб кетган. Халқаро ташкилотда бу муам-мони ҳал қилиш учун “турли омиллар-нинг кенг спектрини ҳисобга олувчи ва болалар ҳамда оилалар ва жамоаларга қаратилган ёндашувларни қўллаш зарур-лиги” таъкидлаб ўтилган.

• Австралида 140 та ёнгинг ўчоқла-рида кенг қўламда ўрмон ёнгинлари ав-жига чиқди. Иссик ҳаво, кучли шамол ва қуруқ ўсимликлар ёнаётган майдон-ларнинг кенгайиб боришига имкон ярат-моқда. Ҳозирда оловни жиловлаш билан бирга баъзи ёнгинларнинг уюштирилган бўлиши мумкинлиги юзасидан ҳам тек-ширув ишлари олиб борилмоқда.





# ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚЛАР МАДАНИЯТИНИ БОҒЛОВЧИ МУҲИМ КЎПРИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

14 сентябрь. Кўкон, Ўрда майдони, соат 18.30. Майдон марказида қурилган, фестивал руҳига ҳамонҳанг безатилган амфитеатрга минглаб нигоҳлар қадаланган. Биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалининг очилиш маросимига йиғилган одамларнинг чехрасидаги мамнунлик, хурсандчилик диллардан дилларга кўчаётгандек гўё. Улар орасида анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари, танкиди маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар бор.

Фестиваль иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан қутиб олади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Давлатимиз раҳбари Халқаро хунармандчилик фестивали иштирокчилари ва меҳмонларни самимий қўлаб, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойлиқни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги сазой-ҳаракат ва имкониятлари бирлаштиришда мазкур халқаро анжуманнинг аҳамияти беқеъс эканини таъкидлаб, анжуман қатнашчиларига ижодий муваффақиятлар тилади.

Тадбирда сўзга чиққан Жаҳон хунармандлар кенгаши (ЖХК) президенти Роза Гринлис хоним Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантириш, айниқса, хунармандчиликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, биринчи бор ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали ана шу сазой-ҳаракатларнинг юксак намунаси эканини қайд этди.

ЖХК томонидан Кўкон шаҳрига "Жаҳон хунармандлари шаҳри" мақоми берилиши бежиз эмас. Бу унвон 2014 йилда таъсис этилган бўлиб, шу кунгача унга 16 давлатнинг 36 шаҳри сазовор бўлган. Кўкон шаҳри МДХ мамлакатлари шаҳарлари орасида биринчи бўлиб шу қатордан жой олди. Шунингдек, "Хунарманд" уюшмаси жорий йилда мазкур ташкилотга аъзо бўлди. Мамлакатимизда миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасидаги сазой-ҳаракатлар самарадорлиги халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилганининг белгиси бўлди бу воқеалар.

ЖХК 1964 йилда Бельгияда нодавлат нотижорат ташкилот сифатида тuzилган бўлиб, бой маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун семинарлар, конференциялар, кўргазмалар ўтказиш орқали бутун дунёда хунармандчилик ташкилотларини қўллаб-қувватлайди.

ЖХК билан ҳамкорликда Кўконга "Жаҳон хунармандлари шаҳри" мақоми бериш борасидаги сазой-ҳаракатлар доирасида ташкилотнинг ўрганиши ҳайъати аъзолари шаҳардаги миллий хунармандчилик мактабларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан бевосита таниди.

Фарғонада хунармандчиликнинг барча йўналишлари бўйича 4 миңдан ортиқ устaxon фаолият юритмоқда. Улар орасида ўз мактабига эга сулолалар, халқаро кўргазма ва фестиваллар совриндорлари, давлат мукофотлари соҳиблари бор.

Кўкон хунармандчилиги ўзига хос тарихи, услуб ва аъёналарига эга бўлиб, бу ерда унинг 30 га яқин тури кенг ривожланган. 400 нафар хунарманд ота-боболаридан мерос касбнинг авлоддан авлодга ўтишини таъминламоқда.

Шаҳар марказидаги салобатли майдон узра ёқимли куй таралади. Бу оҳанг қалбларга сингиб, кўнгилнинг нозик торларини чертади. Юракларга ҳаяжон, завқ солади. Бу куй сеҳри, нозли оҳанг шавқи, мусика кудратининг амалдаги ифодасидир.

Халқаро хунармандчилик фестивалининг очилиш маросимидаги мутовоз ашулалар, фольклор, жаҳон мусика ва кўшиқчилик санъатининг нодир намуналари, дилбар рақслар дилларни жўш урдирди. Томошабинлар юракка яқин кўшиқларга жўр бўлади, шўх куй-наволардан завқланишиб, рақсга тушади.

– Бугун Ўзбекистон диёрида жуда катта байрам, – дейди АҚШлик мартабали меҳмон Кэррол Робертсон Лопес хоним. – Қадимий ва навқирон Кўкон шаҳрида илк бор ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали катта шодийна билан нишонланмоқда. Бу тадбир бутун дунёдаги кўли гул хунармандларни бир жойга жамлаб, халқларнинг номоддий меросини тарғиб этиш ва халқлар дўстлик алоқаларини мустақамлашга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу халқаро фестивал нафақат кўп миллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами эканини таъкидлади. Бундан жунда хурсанд бўлдим. Фестиваль турли қадрият ва аъёналарни ўзида яққол намойён этадиган, муштрак дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжумани бўлди.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда номоддий меросни асраб-авайлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлди. Мазкур тадбирнинг Кўкон шаҳрида ўтказилиши фарғоналикларни беҳад мамнун қилмоқда. Биринчи бор ўтказилаётган бу байрам кенг миқёсда бўлиб, унда 78 мамлакатдан давлат ва жамоат арбоблари, устозода хунармандлар, халқ амалий санъати усталари, мутахассислар, соҳа олимлари, фахрий меҳмонлар, маданият ва санъат намояндалари иштирок этмоқда.

Халқаро хунармандчилик фестивалига тайёргарлик жараёнида Кўконда кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, замонавий меҳмонxonалар, уй-меҳмонxonалар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданий-маърифий мажмуалар, савдо комплекслари, кўнгилочар масканлар барпо этилди. Таърихий зىёратгоҳлар, кўчалар, бино-ишоотларда капитал таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шу тариқа кўнжа кент бугун тўлиқ янгица киёфа касб этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Бадиий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ишлаб чиқилган фестивал дастури ранг-баранглиги, ма-



данний-маърифий ва кўнгилочар тадбирларга бойлиги билан ажралиб туради.

Фестиваль доирасидаги "Kokand fashion" мода ҳафталигида хорижий ва маҳаллий ҳамда Кўкон шаҳрининг ёш дизайнерлари ўз иход намуналарини намойиш этди. Эрталабдан хорижий меҳмонлар шаҳар бўйлаб қўлларидан ўз давлатлари, маҳаллий аҳоли эса Ўзбекистон байрогини кўтарганча тантанали юрди. Туркистон кўчасидан Худоберхон Ўрдаси йўналишида ҳаракатланган байрам иштирокчилари минглаб юртдошларимиз томонидан олқишлар билан қарши олинди. Қизқичқилар, жарчилар ва хон саройи аёллари либосини кийган актёрлар жамоаси иштирокчиларга ўзгача кайфият бағишлади. Ўрда фестивалнинг асосий майдонига айланган Халқ сайллари, дорбозларнинг чиқишлари, фольклор жамоалари, вилоятлар маданият бошқармалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари барчани байрамга чорлади.

"Осиё-Тинч океани минтақасидаги хунарларнинг онлайн-энциклопедияси. Анъанавий қўл меҳнати буюмлари" лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди. Жаҳон хунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани минтақаси президенти Гада Ҳижобий Каддумий хоним раҳбарлигида ишлаб чиқилган мазкур онлайн-энциклопедияда ушбу минтақадаги 50 давлатнинг хунармандчилиги тарихи, ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилган. Унинг таъкидлашича, ушбу лойиҳа маданиятлараро мулоқотни фаоллаштириш, халқларни бир-бирига танитиш, шу тариқа дўстлик, ҳамжихатлик ва тинчликни мустақамлашга хизмат қилади.

"Хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш иштирокчилари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда 30 дан зиёд давлатдан олимлар, мутахассислар, мартабали фахрий меҳмонлар, маданият ва туризм соҳаси намояндалари, юртимизда ва хорижда фаолият кўрсатётган хунармандчилик ва амалий санъат йўналишидаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар, санъатшунослар, музейшунослар, хунармандлар иштирок этди. Маҳаллий ва хорижий хунармандлар маҳсулотлари-



нинг кўргазма савдоси, халқ сайллари, қўғирчоқбозлик, дорбозлар ва фольклор жамоалари, вилоятлар маданият бошқармалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари, ош танловлари, маҳорат дарслари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Фестиваль иштирокчилари моҳир кулоллар шаҳри – Риштон ҳамда ипак ва абри матолар ишлаб чиқарувчи хунармандлар шаҳри – қадим Марғилонга сайёҳат қилди.

Халқаро хунармандчилик фестивали доирасида замонавий ўзбек миллий хунармандчилиги ва амалий санъатига, хунармандлар ижодида бағишланган "Ўзбекистон хунармандчилиги дурдоналари" китоб-альбомини тақдимоти, "Риштоннинг мовий афсонаси" номли кулолчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳамда хунармандлар кўрик-танлови ўтказилди. Унинг қолиблари ташкилий қўмита томонидан диплом, ҳайкалча ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тантанали маросим юртимиз санъат усталари, ёш ихрочиларнинг шўх куй-қўшиқлари билан давом этди. Кўкон осмони узра порлаган мушаклар дилларга қувонч, қалбларга шодумонлик бағишлади.

Анжуман ўтказилган майдон атрофи байрамона безатилган. Қорақалпоғистон ва барча вилоятлардан, шунингдек, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби кўшни давлат ҳамда бошқа хорижий мамлакатлардан келган хунармандлар буюмлари кўргазмаси ташкил этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев очилиш маросимидан сўнг ушбу маҳсулотларни кўздан кечирди, хунармандлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ушбу фестивал нафақат кўп миллатли ватандошларимиз, балки фестивал қўламини кенглиги унинг жаҳон халқларини, маданиятларни боғловчи муҳим кўприк бўлишидан далалатдир.

**Алоуддин ГАЙФОРОВ,**  
**Маъсуджон СУЛAIMОНОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари**

**Хабар қилингандек, 2019 йил 14 сентябрь кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Мажлиси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танила Нурбоева олдидан бўлди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан сўнг сенаторлар кўриб чиқилаётган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.

Сенаторлар ишни "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тўзиш тўғрисидаги Наҳичеван Битимини (Наҳичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилишдан бошладилар.

Таъкидлаганича, ҳозирги вақтда 4 та давлат: Озарбайжон, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Туркия Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши аъзолари саналади. Ташкилот таркиби Туркий тилли давлатлар раҳбарлари кенгаши, Ташки ишлар вазирлари кенгаши, Катта мансабдор шахслар қўмитаси, Оқсоқоллар кенгаши ва Котибиятдан ташкил топган. Котибият Истанбул шаҳрида (Туркия Республикаси) жойлашган.

Ташкилот 2009 йил 3 октябрда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тўзиш тўғрисидаги Наҳичеван Битимига мувофиқ ташкил этилган.

Сенаторлар кейинги пайтда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо давлатлар, энг аввало, минтақадаги кўшни мамлакатлар билан сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик чуқурлашиб бораётганлигини қайд этдилар. Бу Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши доирасида Ўзбекистоннинг кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг ташкилотга аъзо бўлиши товарлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатлигини изчил рўёбга қилириш, молия ва банк операцияларини соддалаштириш мақсадида савдо-сотик ва инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратишга, божхона ва транзит тартиб-таомилларини янада соддалаштиришга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қўша қарорини тасдиқлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сўзга чиққанлар бу масала бутун жамият учун муҳимлиги туфайли унинг Сенат ялпи мажлисида муҳокама этилиши алоҳида аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Сўнгги йилларда халқимизнинг узок йиллик қадриятлари ва аъёналарини ўзида акс эттирган тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳволини инobatга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёналарини менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларида, шунингдек, фуқаролар йиғинларида оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялар тuzилди, қўллаб тушуштириш ва тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Бирок ўрганишлар таҳлили, шунингдек, аҳоли билан бевосита ўтказилган мулоқотлар, жамоатчилик вакилларидан келиб тушган мувожаатлар ушбу соҳада бир қатор жиддий муаммо ва камчиликлар ҳамон сақланиб қолаётганлигини кўрсатди. Хусусан, айрим фуқаролар дабдабали тўй маросимларига катта маблағ сарфлангани туфайли қарзга ботмоқда ва қарзни узиш мақсадида чет элга ишлаш учун чиқиб кетмоқда.

Баъзи фуқаролар оилавий тадбирларни дабдабали ўтказиш кўшнилар, қариндошлар танқидидан, умуман олганда, жамоатчиликнинг босимидан ҳалос бўлиш воситаси сифатида тушуномқда. Вахोलанки, бундай тадбирлар яқин қариндошлар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Сенаторлар кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, бундай ҳолатларга барҳам бериш, аҳоли, айниқса, ёшларда бу масаланинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўғри тushунча ҳосил қилиш мақсадида қатъий чоралар кўриш муҳим эканлигини таъкидлади. Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати**

## ТЎЙ-ҲАШАМЛАР, ОИЛАВИЙ ТАНТАНАЛАР, МАЪРАКА ВА МАРОСИМЛАРНИ ЎТКАЗИШГА УМУМИЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашларининг қўша мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлиси палаталари Кенгашлари аъзолари, депутатлар, сенаторлар, вазирилик ва идоралар мутасадди раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мажлисда дастлаб тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳволини инobatга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёналарини менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда.

Уларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларида, шунингдек, фуқаролар йиғинларида оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялар тuzилди, қўллаб тушуштириш ва тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Бирок ўрганишлар таҳлили, шунингдек, аҳоли билан бевосита ўтказилган мулоқотлар, жамоатчилик вакилларидан келиб тушган мувожаатлар ушбу соҳада бир қатор жиддий муаммо ва камчиликлар ҳамон сақланиб қолаётганлигини кўрсатди. Хусусан, айрим фуқаролар дабдабали тўй маросимлари ва уларни ўтказишга сарфланган катта қаражатлар оқибатида қарзга ботмоқда, ундан қутулиш мақсадида чет элга ишлаш учун чиқиб кетмоқда.

Баъзи фуқаролар оилавий тадбирларни дабдабали ўтказиш кўшнилар, қариндошлар томонидан бўладиган танқидлардан, умуман олганда, ижтимоий таъкидланган ҳалос бўлиш воситаси сифатида тушуномқда. Вахोलанки, бундай тадбирлар яқин қариндошлар ўртасида қардорликнинг вужудга келишига ва оқибатда кескин зиддиятларга олиб келмоқда.

Мажлис иштирокчилари бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қатъий чоралар кўриш лозимлигини таъкидлади. Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантириш мақсадида оилавий тадбирларни қатъий тартибга солишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом тасдиқланиб, унинг талабларига риоя қилиш юзасидан назорат олиб бориш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари зиммасига юклатилди.

Низомга кўра, оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солишда ижтимоий адолат ва қонунийлик, миллий урф-одат ва қадриятларга содиқлик, бошқа дин ва миллат вакилларининг урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда жамоатчилик фикрини инobatга олиш тамойилларига риоя этилади.

Ушбу ҳужжат билан бундай тадбирларни ўтказиш тартибига умумий талаблар қўйилди. Унга кўра, оилавий тадбирлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилди. Соат 23:00 дан кейин оилавий тадбирларни давом эттиришга йўл қўйилмайди.

Оилавий тадбирларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносибати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади. Қўшалок тўй-ҳашамларида 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300 нафаргача киши қатнашиши мумкин. Дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши мумкин. Ош бериш маросими бундан мустасно.

Оилавий тадбирларда диний мавзуда маъруза кўзда тутилган бўлса, ушбу маъруза дин идорасининг ваколатли вакили томонидан ўқилади.

Миллий аъёналарга ёт, одоб-ахлоқ қондаларига зид бўлган турли шоулари, ортқиқ вақт ва харажат талаб қилмайдиган оилавий тадбирлардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумларни ("келин навқари", "чорлар", "ота кўрди", "сеп ёйди", "қуда қақирди", "куёв қақирди", "келин қақирди", "тоғора юбориш" ва ҳоказоларни) ўтказишга йўл қўйилмайди.

Дафн этиш ва мотам маросимлари билан боғлиқ ортқиқ тадбирлар ("етти", "пайшанбалик", "яқшанбалик", "йигирма", "қирқ", "ҳайит", "йил оши", "пул тарқатиш", "маго улашиш" ва ҳоказоларни) ўтказилмайди.

Мажлисда ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантириш масаласи ҳам муҳокама этилди. Мамлакатимиз медиа бозорини жадал ривожлантиришга, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг виртуал макондаги фаоллигини таъминлашга, миллий ахборот индустрияси ва инфратузилмасини ривож-

лантиришга, шунингдек, глобал ахборот муҳитига оид замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш ҳамда демократлаштиришга етарлича эътибор берилмапти. Шу жиҳатдан республикамиз жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари даражасига эришиши зарурлиги мажлисда алоҳида қайд этилди.

Ахборот соҳасига оид долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиришда жамоат ташкилотлари аҳамиятини ошириш, давлат органлари ва оммавий коммуникациялар субъектлари ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш, шунингдек, ахборот соҳасини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўзга келтирилди.

Ушбу янги тузилманинг асосий вазифаси очик ахборот маконини яратишга қаратилган сазой-ҳаракатларни бирлаштирадиган замонавий, демократик ва шаффоф майдон сифатида давлат ва оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг самарали мулоқотини таъминлашдан иборат бўлиши лозим. Қолаверса, аҳолининг ахборот маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш ҳам Жамоатчилик кенгаши фаолияти мақсадларидан бири бўлиши керак. Шунингдек, янги тузилма халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикаси эгзалган ўрнини изчил яхшилаш ва мамлакатимизнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги индекслари юқори даражада бўлган илгор мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш дастурлари бўйича тақлифлар ҳам тайёрлайди.

Жамоатчилик кенгашига юкланган вазифаларни бажариш, шунингдек, унинг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотли шаклда Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича марказ ташкил этилиши тақлифи маъқулланди ҳамда у Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи сифатида белгиланди.

Шунингдек, қўша мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Котибияти фаолиятини янада тақомиллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг қўша мажлисида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қўша қарорлар қабул қилинди.**

**Нурилло НАСРИЕВ,**  
**ЎЗА мухбири**



# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

**Бугунги кунда мамлакатимизда кардиология соҳасини ривожлантириш ва бу борадаги илмий ютуқларни халқаро талаблар даражасига етказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.**

Тиббиёт соҳасини янада тараққий эттириш, фуқаролар саломатлигини асраш, жумладан, юрак-қон томир хасталикларни туфайли юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар ижроси энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Президентимиз раҳнаомлигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган улкан ислохотлар жараёнида кардиология хизмати замон талаблари даражасида тақомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Республика иктисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида кардиология соҳасидаги илгор халқаро тажрибаларни ўзлаштириш ва янги даволаш усуллари жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда ушбу замонавий тиббиёт масканида ўндан зиёд махсус кардиологик бўлим фаолият юритмоқда. Бўлимларда артериал гипертензия, ўткир миокард инфаркти, юрак-ишемик касаллиги, юрак аритмиялари, юрак етishmovчилиги каби хасталиклар самарали даволанапти.

Марказда сўнгги йилларда бир қанча бўлимлар ташкил этилди ва замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда бу ерда коронарangiография-юрак тожсимон артерияларининг тораён қисмларини аниқлаш, уларга наъча ўрнатиш каби юқори технология усуллари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Кардиология марказида хоржий кардиологик клиникалар билан ҳамкорлик алоқалари ҳам кенг йўлга қўйилган. Ўш шифоқорлар Россия, Жанубий Корея, Швейцария, Польша каби чет мамлакатларнинг етакчи кардиологик клиникаларида ўз малакаларини ошириб келмоқдалар. Шунингдек, Москва, Новосибирск, Томск кардиология марказларининг олимлари, Швейцария, Жанубий Кореялик мутахассислар мазкур марказга келиб, маҳорат дарсларини ўтказиб, ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Республика иктисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида малакали кадрлар тайёрлашга ҳам ало-

ҳида эътибор қаратилади. Марказ қошида ташкил этилган ординатура курсларида ҳар йили 30 нафардан ортиқ кардиолог мутахассислар тайёрланади. Охириги ўн йилликда 300 дан зиёд кардиолог тайёрланиб, ҳозирда улар республикамизнинг турли вилоятларидаги кўплаб даволаш муассасаларида фаолият юритмоқда.

Дунё миқёсида энг кўп ўлимга олиб келадиган касалликлар ичида юрак-қон томир касалликларининг етакчи ўринини эгаллашни инobatга оладиган бўлсақ, мазкур марказ ходимлари томонидан йил давомида мамлакатимизнинг энг чека кишлоқларигача уюштирилаётган сафарлар, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, даволаш бўйича берилаётган тавсиялари, амалий ёрдамни кўрсатиши ва энг асосийси, халқимизнинг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлари эътиборга лойиқдир.

Асосий эътибор, юрак-қон томир касалликлари билан хасталанган беморларни профилактика қилиш, ташхислаш ва даволашнинг илгор услублари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда тиббий амалиётга татбиқ қилишга қаратилган. Шунингдек, халқаро стандартлар даражасида аҳолига малакали кардиологик ёрдам кўрсатиш, беморларни даволаш ва диагностика қилишнинг замонавий усуллари соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиб келинмоқда.

Республика иктисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказидаги ҳар бир бўлимда, жумладан, шошилиш кардиология ва реанимация, юрак ишемик касалликлари, артериал гипертензия, кардиоцефбрал патология, юрак аритмиялари, реабилитация, қон айланиши етishmovчилиги ва коронарoген патология, умумий кардиология ҳамда ЭФТда малакали, мутахассис шифоқорлар фаолият юритади.

Марказда ҳар йили 8 мингдан ортиқ беморларга стационар ёрдам кўрсатилади. 40 минг нафар беморга эса амбулатор шайроитда маслаҳатлар берилади. Жадвал



**Тиббиёт**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Бўйича марказ директори, академик Равшанбек Қурбонов бошчилигидаги барча етакчи мутахассислар, профессорлар, фан докторлари ва номзодлари, катта илмий ходимлар беморларнинг юрак хасталикларини даволаш, уларга тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга касалликларнинг олдини олишга ва ўз вақтида шифо олишга доир тиббий тавсияларни бериб борадилар.

Биргина юрак аритмиялари бўлими мисолида сўз юритадиган бўлсақ, ушбу бўлимда ҳам ўз ишининг фидойилари бўлган изланувчан етуқ кардиолог-шифоқорлар ва ширинсўз ҳамширалар фаолият олиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз.

– Ҳозирда марказимизда директоримиз, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистон Қадрамони Равшанбек Қурбонов бошчилигида бир қатор янги лойиҳалар устида изланишлар ва илмий ишлар олиб бормоқдамиз, – дейди юрак аритмиялари бўлимининг бош илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори Нодир Зокиров биз билан суҳбатда. – Бугунги кунда, юракнинг турли ритм бузилишларида маҳаллий янги антиаритмик восита ҳисобланган акарситмининг самарадорлиги ва ҳавфсизлиги ўрганиб борилаётганда. Олиб борилаётган ишлар натижаларига кўра мазкур дори воситаси ўзини фақат яхши томондан кўрсатмоқда. Акарситминнинг маҳаллий доривор ўллардан тайёрланишини ҳисобга оладиган бўлсақ, унинг аҳамияти янада олади. Бундан ташқари, миокард инфарктини ўтказган беморлардаги юрак ритми вариабеллиги, турбулентлиги ва ҳаёт учун ҳавфли қоринчалар аритмияларини юрак тож томирларида ўтказиладиган реваскуляризация амалиётларида (стентлаш ва орта – коронар шунтлаш) сўнг ижобий томонга ўзгаришини ўрга-



## Муносабат

### ГЕНДЕР ТЕНГЛИК — МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТИ

**Жамият ҳаётининг қай даражада кечиши, ривожланиш сари қўйилаётган қадамлар, қолаверса, исталган ҳаракатдан кутиладиган натижалар албатта кўп жиҳатдан ижтимоий муносабатлар билан бевосита боғлиқ.**

Айнан шу муносабатлар ҳаётимизнинг барча жаҳллари – меҳнат фаолияти, оила, маҳалла, ўқиш, мулоқот ва бошқа турли жараёнларни бошқариб келади.

Хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги масаласи ҳам мазкур жараёнларда муносабатларни қонуналик тартибга солиниши билан аҳамиятли.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан хотин-қизлар масалалари, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, маилли ҳаётдаги муаммоларини ҳал қилиш, иқтисод ва имкониятларини кўрсатиш учун қулай шароит яратилмоқда. Ойлада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган натижада ижтимоий муносабатларда ҳам, қонуничиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишда туб бурилиш ясади. Мазкур қарорда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда таътиқ ва эъронликлардан ҳимоя қилиш юзасидан янги қонуналар ишлаб чиқиши муҳим вазифа сифатида белгиланган эди. Белгиланган қонуналарнинг ишлаб чиқиши, муҳофиза этилиши, маъқулангани қарор ижросининг таъминланганини кўрсатади.

Олий Махлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида маъқуланган ҳамда Президентимиз томонидан имзоланган “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуinning мақсади хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш, соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат. Икундан ташқари, у кўплаб масалаларга оидкири ширитиш, фаолиятда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда фаол истеъмолда бўлган гендер сўзининг тушунилиши ва қўлланиш ҳолатларидаги нотўғри талқин ва тасавурлар мавжудлигини айтиш жоиз. Хусусан, гендерни аёллар мавзуси ёки уларнинг устунилиги оид тушулча деб қараш кузатилади. Албатта, бу тўғри эмас. Гендер – бу хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ҳамда фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати эканлиги мазкур қонунда аниқ ёзиб қўйилган. Бу масалага оид тушулчага берилган тегишли изоҳларнинг мавжудлиги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Қонунда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик, демократизм, жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслик, очкичилик, шаффоқлик белгилаб берилган.

Эндиликда бу йўналишда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, тақомиллаштириш ҳамда ривожлантириш муҳим бўлиб, бу доирада давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш энг муҳим вазифалар ҳисобланади. Чунки ушбу ҳужжатларни яратиш, аниқ изоҳ механизмининг ишлаб чиқиш орқали хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар бўйича ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, жамият, давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирокини таъминлаш, масъулиятни оналик ва оталиқни шакллантириш каби йўналишларда фаолият ташкил этилади.

Қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқарувида аёлларнинг эркеклар билан тенг шароитда иштирок этишини, айниқса, раҳбарлик лавозимларида ҳам ишлаши мумкинлиги кафолатлайди. Шунингдек, қонунда ҳокимият вакиллик органларида сайловларда ҳам сиёсий партиялар томонидан Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашири депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланиши белгилаб қўйилди.

Жамиятда аёлларнинг камситилишига йўл қўядиган, асосий тенгсизлик натижасида ҳаётда қийинчиликлар келиб чиқаётган оилаларнинг ҳам борлиги ачинарли ҳол, албатта. Таъкидлаш жоизки, оилавий муносабатларда, айниқса, болалар тарбиясида она ҳам, ота ҳам бирдек масъулдир. Қонунда бу борада ҳам эркеклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари аниқлаб берилган бўлиб, уларнинг тенг мажбуриятларга эга эканлиги ёзиб қўйилган. Бу борада аёллар ва эркеклар никоҳининг ихтиёрийлиги, мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмаслиги, эр-хотинларнинг ҳасий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглиги кабилар шуллар жумласидандир.

Бола туғилиши муносабати билан ҳақ тўланадиган таътил олишда ота ҳам, она ҳам тенг ҳуқуқга эга. Болага қараш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига қўра улар ўртасида тақсимланиши, бунда ота-она таътилдан қисмларга бўлган ҳолда фойдаланишлари мумкинлиги ҳам айнан гендер тенгликнинг ифодасидир.

Қонун таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини ҳам акс эттирган. Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳаларда мамлакатимизда аёллар фаол меҳнат фаолиятини олиб борадилар. Таълимнинг барча босқичларида, илмий-тадқиқот, тиббиёт соҳаларида меҳнат қилаётган аёллар кўпчилиқни ташкил этиши маълум.

Эндиликда турли таълим дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендер ҳаётидорлигини оширишга қўмақлашиш, жинслардан бирининг устунилиги гоёсига асосланган нотўғри тасавурлардан холи ўқув адабиётларини тайёрлаш ва chop этиш, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ахборот-маърифий тадбирларни ташкил этиш каби фаолият йўналишларида кўплаб ишларни амалга ошириш зарур бўлади.

Олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва малака ошириш курсларида гендер тенглик масалаларига оид курсларнинг ишлаб чиқиши ва амалга кириштирилиши ёшларимизни мазкур қонунда кўзда тутилган масалаларни тўғри талқин қилиш, ҳаётда ўзаро ҳурмат асосида фаолият юритишга ўргатади.

Гендер тенглик жамият ривожига муҳим бўлган ижтимоий муносабатларда долзарб аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда янада яққол намоён бўлмоқда.

**Гулхелра РИХСИЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Махлис Сенати аъзоси

## ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШГА ЭҲТИЁЖ ОРТМОҚДА

**Республика иктисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида Олий Махлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиқини сақлаш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.**

Унда Республика иктисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбарининг “Аҳолига травматология ва ортопедия хизмати кўрсатишнинг ҳолати тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурлари, турли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида юқори технология иктисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг принципал жиҳатдан янги тизими ташкил этилди. Жумладан, Республика иктисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам иктисослаштирилган тиббий ёрдамнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизимни янада тақомиллаштириш, профилактика ва касалликларни барвақт аниқлаш чораларини кўриш борасида қатор ишлар қилинди.

Жорий йилда марказнинг халқаро стандартларга мос тарзда реконструкция қилинган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган биноси янги туширилди. Шунингдек, марказда ҳавони ламинар тозаловчи замонавий операция блок, энг янги ускуналар билан жиҳозланган реанимация, нури ва функционал бўлимлар ҳамда марказ клиникасида янги бўлим – қўл ва оёқ панжалари хирургияси бўлими ташкил этилди.

Бундан ташқари, марказ магнит-резонансли томография, компьютер томографияси, вертебро ва нуклеопластика бажариш учун ускуналар, рақамли рентген, рентгенденситометр, ультра товуш текширув аппаратурлари, доплерография учун аппаратлар, замонавий биокөмитив анализатор ва бошқалар зарур замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Аҳоли ва ходимларга қулайлик яратиш мақсадида ҳужжат юритишнинг электрон тизими ишга туширилди. Беморларнинг марказ консултив поликлиникасида онлайн навбат, вилоят марказлари билан видеоконференция ўтказиш учун шароит яратилди. Бугунги кунда марказ тизимидagi врач мутахассисларнинг малака ошириши, тажриба алмашишига, чет элдаги тиббиёт муассасалари билан олиб борилган бошқа ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Марказ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Мирҳакам Азизовнинг ахборотида қайд этилганидек, 2019 йил 6 ой давомида даволанган 4 минг 31 бемордан 16 фоизда итмиёзли жарроҳлик операцияси ўтказилган. 2019 йилда тиббиёт туризми йўналиши бўйича яқин хорж мамлакатларидан келган 700 га яқин беморга тиббий хизмат кўрсатилган. Республика иктисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан

худудларга чиққан ҳолда жойларда тиббий хизмати аҳолини янада яхшилаш, беморларга малакали ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, марказ мутахассислари мунтазам худудларга чиқиб, жойларда беморларни кўриқдан ўтказмоқда.

Йиғилишда марказ фаолияти билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам атрофликча муҳофиза қилинди. Қайд этилишича, республикадаги травматизм даражаси йил сайин ошмоқда. Бу нафақат юртимиз, балки жаҳон травматизми учун тегишли ҳолатдир. 2013 йил мамлакатимизда ҳар 100 минг аҳолига 3 минг 160,7 шикастланиш рўйхатдан ўтган бўлса, 2018 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 3 минг 699,4 тани ташкил этди. Травматизмнинг юқори кўрсаткичлари асосан йирик шаҳарларда яшайдиган, технология ривожланган худудларда, хусусан, Тошкент шаҳри, Бухоро, Наманган, Андижон, Самарқанд, Хоразм вилоятлари марказларида қайд қилинган.

Айни пайтда травматология ва ортопедия амалиётини учун зарур йўналиш – суяк трансплантологияси масалалари учун қонунийлик базасини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Йиғилишда соҳада яна бир жиддий муаммо – беморларга эндопроtez қўйиш масаласига эътибор қаратилди. Қайд этиш жоизки, бугунги кунда беморларга қўйиладиган эндопроtez воситасини сотиб олиш учун ҳаражатлар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайди. Беморлар ўз ҳисобидан сотиб олиб келган эндопроtezлар марказда ўрнатиб берилади. Кўплаб беморлар эндопроtezлар ишлаб чиқарилган давлатга қараб, турлича, асосан қиммат эканлини билдирмоқда.

Шу муносабат билан, чет эл тажрибасини ўрганган ҳолда соғлиқни сақлаш вазирлиги тегишли, вазирлик ва идоралар билан биргаликда беморларни шу каби бошқа тиббиёт воситалар билан таъминлашда қулайликлар яратишга доир амалий чоралар кўриш лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи мамлакатимизда аҳолига травматология ва ортопедия хизмати кўрсатишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган муаммолардан бири бўлмоқда.

Тадбирда ушбу масалалар бўйича тегишли вазирликлар мутахассислари фикр-мулоҳазалари эшитилди. Бу борада мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида тегишли чоралар кўриш тавсия қилинди. Қўмитанинг аҳолига сифатли травматология ҳамда ортопедия хизмати кўрсатиш кенгайтириш юзасидан қарори қабул қилинди.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

## ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА ЭСТЕТИК ТИББИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

**Пойтахтимизда дерматовенерология ва эстетик тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилмоқда. Унда АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия, Польша, Руминия, Туркия, Ҳиндистон, Россия, Украина, Беларус, Грузия, Қозоғистондан келган элликка яқин олимлар иштирок этмоқда.**

Мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида минг нафардан кўпроқ малакали дерматовенеролог шифоқор аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Республика иктисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббий маркази бу йўналишда етакчи тиббий илмий муассаса сифатида илм-фан ва тиббиёт амалиёти ривожига муносиб улуш қўшиб келаётди.

Марказда юздан зиёд етуқ олим, малакали шифоқор диагностика ва даволаш ишлари билан бир қаторда жаҳон тиббиётининг долзарб масалалари бўйича илмий изланишлар олиб боради. Кейинги йилларда олимларимизнинг бу йўналишдаги илмий изланишлари натижасида яратилган бир қатор янги усуллар тиббиёт амалиётига татбиқ этилганини кузатиш мумкин. Жумладан, псориаз касаллигининг антициклоник давоси, тери лешманиоз касаллигининг комплекс давоси, сурункали идиопатик капоши саркомасини прогностлашнинг янги усуллари бунга мисолдир.

Илмий изланишлар натижасида бир қатор самарали дори воситалари ҳам яратилди. Атолик дерматити ва ҳуснбузар касаллигини даволашнинг янги усули учун патент олинди. Марказ олимлари гено ва онкодерматозлар муаммолари, терининг замбуруғли ва вирусли касалликлари, жинсий йўл билан ювчи янги касаллик турларини аниқлаш бўйича жаҳон тиббиётининг ноёб технологияси – меланоциттар трансплантациядан самарали фойдаланапти.

Айни пайтда марказ олимлари тиббиётимизнинг бундай ютуқларини янада кенгайтириш мақсадида хорихдаги нуфузли илм-фан муассасалари билан илмий-амалий алоқаларни ривожлантирмоқда. Хусусан, Россия, АҚШ, Беларус, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа давлатлардаги тиббиёт муассасалари ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда жаҳон тиббиётининг долзарб муаммоларига оид илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

– Дерматовенерология йўналишида иктисослашган тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш мақсадида ҳудудий тери-таносил касалликлари диспансерларида реконструкция ва модернизация ишлари ҳам амалга ошириляпти, – дейди Республика иктисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Илхом Раҳимов. – Бугунги кунгача Андижон, Самарқанд, Наманган вилояти ва Тошкент шаҳар тери-таносил касалликлари диспансерлари капитал таъмирланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Бухоро, Андижон, Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансерлари замонавий тиббий диагностика жиҳозлари билан жиҳозланди. Мазкур ҳудудий диспансерларда дерматовенерология соҳасига оид янги технологиялар ва илм-фан янгиликлари тарғиботига оид маҳорат дарслари, илмий-амалий семинарлар мунтазам ўтказиб келинади. Бундай изланишлар натижасида бир қатор тери касалликларини, тума ёки орттирилган нуқсонларни даволашнинг янги усуллари ҳудудий шифохоналар амалиётига ҳам кенг татбиқ этилди.

Мазкур илмий-амалий анжуманда мамлакатимиз тиббиёти ва жаҳон илм-фани эришаётган ана шундай муҳим ютуқлар таҳлил этилиб, дерматовенерологиянинг турли йўналишларида яратилаётган янги усуллар, соҳадаги долзарб муаммоларга оид илмий маърузалар тингланмоқда. Шунингдек, косметология соҳасидаги янгиликлар намойиш қилиниб, дерматовенерология ва косметология бўйича маҳорат дарслари ва кўргазмалли семинарлар ташкил этилмоқда.

Анжуман доирасида фармацевтика ва косметология компаниялари, тест-тизими ишлаб чиқарувчилар ва дистрибуторлар, тиббий ва лаборатория жиҳозлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Мохигул ҚОСИМОВА,**  
ЎЗА мухбири



Ҳеч нарса мамлакатни спортчилик жаҳонга тез танитолмайди. Шу боис, ҳар қандай давлат ёшларни спортга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратади, нуфузли мусобақаларда голиб чиқиши учун зарур шароитлар яратиб беради. Энг муҳими, шу йўл билан авлодларни соғлом тарбиялашга эришади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 4 сентябрь куни мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ана шу жиҳатларга алоҳида урғу берилди.

Йиғилишда 2020 йили Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёғи Олимпия ўйинларига тайёргарлик қониярли эмаслиги танқид қилиниб, қатор спорт федерациялари ва ҳокимликларга юқори натижаларни кўлга киритиш салоҳиятига эга спортчиларни қўллаб-қувватлаш, уларга барча шароитларни яратиб бериш зарурлиги қатъий таъкидланди.

Шунингдек, спорт йўналишидаги таълим муассасалари, федерациялар моддий-техник базасини яхшилаш, спорт фармакологиясига алоҳида эътибор қаратиш, Республика спорт тиббиёти маркази фаолиятини такомиллаштириш, федерацияларда илмий-комплекс лабораториялар ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди. Ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади.

Гап спортни ривожлантириш ҳақида борар экан, баъзи спортчиларнинг турли сабабларга кўра бошқа соҳага ўтиб кетишига мажбур бўлганини ҳам очиб айтиш керак.

Отам биз, уч ака-уканинг ҳам боксчи бўлишини орзу қилар эди. Ўн ёшдан ушбу спорт тури билан шуғуллана бошладим. Турли мусобақаларда совринли ўринларни кўлга киритдим. Лекин собиқ Иттифоқ даврида маълум сабабларга кўра хоржида ўтказиладиган халқаро турнирларда қатнаша олмас эдик. Фақат мустақилликка бизга ана шу имкониятлар эшигини очиб берди. Турли давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда Ўзбекистон номидан қатнашдик, — дейди "Меҳнат шухрати" ордени соҳибиди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, Олимпия ўйинларида бокс бўйича бронза медал совриндори Карим Тўлаганов.

1996 йили АКШнинг Атланта шаҳри мезбонлик қилган Олимпиадада Ўзбекистондан бир йўлга етти нафар боксчи йўлланмани кўлга киритдик. Ваҳоланки, бунақасини 5-6 йил аввал тасаввур қилишнинг ўзи қийин эди. Аникроғи, бу чинакамга тарихий воқеа бўлган.

Албатта, ёш мустақил давлатимиз учун мурракб йиллар. Шундай бўлса-да, мусобақага кетишимиздан олдин спорт соҳаси мутасаддилари, ҳокимлар бизга қатта ваъдалар бериб юборди. Жумладан, мен яшайдиган туман ҳокими агар совриндорлар сафидан жой олсам, уй қуриб беришини айтди. Бу бизнинг рўҳимизни жуда кўтарган. Лекин...

Учта жангни муваффақиятли ўтказдим, бироқ ҳал қилувчи паллада атлантик рақибимнинг кўли балинд келди. Чунки, назаримда бизнинг мураббийлар менинг галаба қозонишимни у қадар ҳам хушламади. Мен буни уларнинг хатти-ҳаракатидан пайкаб қолдим. Негаки, ўша мураббийларнинг шогирдлари мағлубиятга ураган, менинг галабам уларни қизиқтирмас эди. Бу руҳиятимга қаттиқ таъсир қилди. Рўҳий жиҳатдан ҳал қилувчи жангга тайёр эмас эдим. Ўша дамда энг яхши спортчи эканимни исботлаш учун ҳам галаба қозонишим шартлиги ҳаёлимга келмади, иродам бўшлик қилди. Бронза медал билан чекландим. Аслида, бу ҳам ёмон натижа эмас эди, ахир совриндорлар сафидан жой олдим-да. Юртга қайтганимиздан кейин аксарият ваъдалар унутилди. Айниқса, ҳаётда энг муҳими — уй беришни ваъда қилган ҳоким сўзида турмади. Ҳақини талаб қилганим учун ўша вақтдаги бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси раҳбари менга қаттиқ танбەҳ берди.

Терма жамоа сафидан биринчи рақамда ҳаракат қилардим. Ўша пайтлар биз Индонезияда бўлиб ўтадиган халқаро турнирга тайёргарлик кўраётган эдик. Спортчига қўлай шароит яратиб берилмаса ёки оиласида муаммо бўлса, бу руҳиятга салбий таъсир қилади, кўнглидагида шугуллана олмайди. Мен билан ҳам шундай бўлди. Индонезиядаги халқаро турнирда уч кун қолганда терма жамоани тарқ этдим.

Кейин Ўзбекистон Куролли Кучлари тизимиде хизмат қилдим. Шу билан бирга, турли халқаро мусобақаларда қатнашиб юрдик. Хусусан, Германиянинг Варендорф шаҳрида ўтган турнирнинг саралаш босқичида барча рақибларимизни мағлуб этдик. Улар ўша жанглари видеога ёзиб олиб, бизнинг жанг қилиш услубимизни яхшилаб ўрганишди. Финалда барча ўзбек боксчилари мағлуб бўлди.

Спортчилар ўз устиде ишлашдан ташқари, рақиб хатти-ҳаракатини ҳам ўрганиши керак, бу галабага йўл очади. Ўша вақтда рақибнинг жанг тактикасини ўрганиш учун бизда ҳеч қандай имконият бўлмаган. Бугунги кунда XXXII ёғи Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоа спортчилари, жумладан, эркин кураш, юнон-рум кураши, бокс, дзюдо, каратэ, таэквондо, оғир атлетика, сузиш, эшак эшиш спорт турлари бўйича рақибларини видео тасвирлар орқали ўрганиш ишлари йўлга қўйилган.

1999 йил Парижда бўлиб ўтган Европа очик чемпионатида биринчи ўринни кўлга киритдим. Профессонал боксда ҳам самарали фаолият юритдим. 2000 йил ё боксчи, ё харбий хизматни таллашимга тўғри келди. АКШ ва Францияга профессионал боксга таклиф қилиди. Мен эса Ўзбекистон Куролли Кучлари тизимиде қолдим. Харбий

## ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИАТ СПОРТДАГИ ГАЛАБАНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДИР

қисмларда жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича фаолият юритдим.

Терма жамоа сафидан кетишимга сабаб бўлган воқеаларни кўп эслаймам. Тўғри, ўша пайтда спортчиларни моддий рағбатлантириш бўлган, аммо кўп ваъдалар ваъдалигича қолган. Очик айтиш керак, ўша пайтларда соҳадаги айрим раҳбарлар спортчилардан ўз максади йўлида фойдаланди ҳам. Кўп спортчилар алдангани, тизимда етарлича шароит яратиб берилмагани таъбиҳий равишда спортчилардан ўз жойини тополмаган тенгдошларим бугун бошқа касбада ишлаб, рўзгор тебратмоқда. Ушанда уларга имконият яратиб берилганида ҳозир Олимпиада чемпионолари янада кўп бўлариди. Ёки улар бугун энг яхши бокс мураббийси сифатида яна кўплаб чемпионолари тарбиялаб беришарди, эҳтимол...

Бугунги кунда эса спортчиларимизга барча имкониятлар яратилмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан шу чоққача орозу ҳам қилмаганимиз нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларга доимий нафақа тайинланди. Нокантарлик бўлса ҳам ғурур билан айтаман, ўшалар сафиде мен ҳам борман. Ёшлигида юксак натижага эришса бир умр моддий рағбатлантирилишини билган қайси бола спорт билан жиддий шуғулланмайди, керак бўлса, жонини бериб шунга ҳаракат қилмайди, дейсиз? Шуғулланади, қилади. Чунки орқасида Ватани, халқи турганини, Президентнинг ўзи қафил эканини билган ҳар қандай соғлом бола шунга интилади. Ота-она ҳам тула қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун бугунги ёшларга ҳавасим келади. Айни пайтда Зангиота тумани Болалар ва ўсимлар спорт мактабиде ёшларга мураббийлик қилаяпман...

**XXXII ёғи Олимпия ўйинларига тайёргарлик**  
Бугунги кунда 2020 йили Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёғи Олимпия ўйинларига иштирок этиш учун саралаб олинган 420 спортчининг оила аъзолари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилиб, вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан моддий ёрдамлар ажратилмоқда.

Олимпиадага тайёргарлик кўраётган спортчилар тиббий-биологик ҳамда фармакологик дори воситаларидан ўз вақтида, максадли фойдаланмоқда. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси томонидан 936 номдаги 8 фармакологик гуруҳга оид 62 юртимизда ва хоржида ишлаб чиқарилган дори воситалари қуриб чиқилди.

Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг (WADA) тақиқланган дори воситалар рўйхати қирмаган, спортда қўлланилиши мумкин бўлган 260 дан ортик дори воситалари рўйхати шакллантирилди.

Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоа аъзолари Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида йилига икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Тиббиёт мутахассислари томонидан тегишли хулосалар берилади. Жумладан, спортчиларимиз 2019 йил 27 августдан бошлаб Россия Федерациясидан келган тажрибали мутахассислар томонидан навбатдаги чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, терма жамоалар аъзоларининг тиббий жарроҳлик даволаниши ҳам амалга оширилмоқда.

Терма жамоаларга малакали психолог, диетолог ва массажи кадрлар бириктирилган. Ҳозирги кунда федерацияларда 10 нафар врач, 17 массажи, 9 диетолог ва 16 психолог фаолият олиб бормоқда.

Юқорида Карим Тўлаганов таъкидлаганидек, ҳар қандай беллашувда спортчининг рўҳий ҳолати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Машғулотлар жараёнида ҳам, мусобақа давомида тананинг ақлий фаолияти ва хатти-ҳаракатини тартибга солиш талаб этилади. Акс ҳолда, галаба ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Бунда спортчида психолог ёрдами жуда зарур бўлади.

Шу жиҳат ҳисобга олиниб, ҳар бир спорт тури учун мўлжалланган индивидуал психологик характерга эга дастурлар ишлаб чиқилган. Дастурларда ҳар бир спортчининг психологик хусусиятини ўрганиш, мураббийларнинг бу борадаги қобилиятини ошириш, спортчини ёки жамоани маънан қўллаб-қувватлаш, машғулотлар жараёнидаги қийинликларни енгиб ўтишга ёрдам берадиган психологик муносабатни ривожлантириш, стрессни енгилаштирувчи воситаларни ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, мусобақада, захирадан қатта спортга ўтишда юзага келадиган жиддий психологик муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

### Спорт турлари бўйича хоржий мураббийлар таклиф этилди

Мамлакатимизда барча спорт турлари бўйича юқори малакали мураббийлар фаолият олиб бормоқда. Миллий терма жамоаларда фаолият юритаётган 114 нафар мураббийнинг барчаси тегишли сертификатга эга. Халқаро спорт федерациялари томонидан ташкил этиладиган халқаро семинарларда каратэ, таэквондо, оғир атлетика, футбол, гимнастика спорт турлари, сузиш, бокс, дзюдо бўйича миллий терма жамоалар мураббийлари иштирок этиб, малака оширади.

Олимпия ўйинларида спортчиларимизнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш мақсадида футбол, камондан отиш, гимнастика, спорт курашлари, оғир атлетика, қилич-бозлик, теннис ва сузиш федерацияларига чет элдан 12 мутахассис-тренер, шунингдек, юнон-рум кураши, эркин кураш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, сув полони, қилич-бозлик, замонавий бекс кураш бўйича 15 маҳоратли спортчи жалб этилди.

Яна бир хабар: 2020 йили Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёғи Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига иштирок этадиган Ўзбекистон делегацияси учун спорт либослари жамланмиси дизайнини яратиб бўйича танлов эълон қилинган. Ушбу Олимпия ва Паралимпия ўйинларига иштирок этадиган мухлислар учун ҳам алоҳида спорт кийимлари дизайни яратилмоқда.

Буларнинг барчаси халқаро майдонда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тарбиялаш, бу йўлда уларга замонавий шароитлар яратиб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, мухтастар айтганда, Ўзбекистон номини жаҳон узра янада кенг таранам этишга қаратилган.

**Хуришд ҚОДИРОВ, ЎЗА мухбири**

## “ИССИҚ НОН” — ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТЛАР ҲАҚИДА ФИЛЬМ

**Яқинда “Иссиқ нон” бадий фильми Россиянинг Анапа шаҳрида бўлиб ўтган “Киношок-2019” очик фестивалида намойиш этилиб бош мукофот — “Золота поза” соврини билан тақдирланди. Фестивалнинг “Энг яхши актриса” номинацияси голиблиги ҳам ушбу картинада роль ижро этган ҳамюртимиз Феруза Саидовага насиб қилди.**

Шу муносабат билан “Ўзбекино” миллий агентлигида ташкил этилган матбуот анжуманида таъкидланишича, 2018 йил “Ўзбекино” миллий агентлиги буюртмасига бинаоан, “Ўзбекфильм” киностудияси томонидан тасвирга олинган “Иссиқ нон” бадий фильми ўзининг пурманво ва ҳаётийлиги билан кўплаб томошабинларнинг эътиборига тушди.

Фильмда 13-14 ёшли ўсмир қиз — Зулфиянинг кечинмалари, бувиси ва ангаси билан мурракб муносабатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Унинг онаси шаҳарга ишлашга кетган, қиз қишлоқда бувиси билан яшашга мажбур. Қизалоқ шаҳарга кетиб, онасининг ёнида бўлишни хоҳлайди. Аммо янги ҳаёт қуриш арафасида турган онаси қизини ёнида бўлишини хоҳламайди...

Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр Умид Ҳамдамов томонидан саҳналаштирилган мазкур картинада воқеалар аста-секинлик билан ойдинлашиб боради. Яқиндагина “Иллинг энг яхши фильми”, “Энг яхши сценарий” ва “Энг яхши монтаж” номинациялари бўйича “Олтин Хумо” миллий мукофотини кўлга киритган эди.

Тадбирда фильмининг тарихи, суратга олиш жараёнлари, камчили ва ютуқлари борасида сўз юритилди. Шунингдек, миллий киноматография санъатини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

## КАСБИГА МАФТУН РАССОМ

**Ўзбекистон Бадий академияси маркази кўргазмалар залида таниқли рассом Аслиддин Исаевнинг “Ижодий интилиш” номли шахсий кўргазмаси очилди.**

Аслиддин Исаев Самарқанд вилоятида туғилган. Камолиддин Бехзод номидеги Миллий рассомлик ва дизайн институтини тамомлаган. Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрида яшаб, ижод қилади.

У ўз услуби ва образини топа олган ижодкорлардан. Рассомнинг асарларида борлиқнинг шоирона талқини, болалигидан унга яқин бўлган инсонлар, қадимий ва ҳамиша навқирон Ўзбекистоннинг гўзаллиги, тарихи акс этган. Рассом туғилиб ўсган Самарқанд шаҳри, унинг хушманзара жойлари ижодкорга бутун ижод йўли мобайнида чексиз илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

— Аслиддин қарийб 50 йилдирки диёримизнинг гўзал жамолини ва кўплаб мамлакатларнинг кўз илғамас жиҳатларини мўйқалам орқали картиналарга жойлаб келмоқда, — дейди Халқ рассоми, академик Собиржон Раҳмедов. — У яратган асарларда қадимий мавзуда бўлмасин боладек бегуборлик, соддалик ва бежиримлик акс этиб туради. Унинг “Тўй учун ёпилган нонлар”, “Аравақаш”, “Тўй”, “Ногаҳоний нур”, “Қолхозда оқшом” ва “Куз. Қовун бозори” сингари картиналарида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳамда қадимий аъёнларимизни нечоғли ёзозланишини кўришингиз мумкин.

Шунингдек, рассом АКШ, Ҳиндистон, Корея каби дунёнинг турли мамлакатларига саёҳат қилиб, туркум асарлар яратган. Кўргазмага қўйилган айрим асарлар орқали томошабинлар Нью-Йорк ва Сеулнинг ўзига хос талқинини ҳис этишлари мумкин.

Аслиддин Исаев “Дўстлик” ордени соҳибиди. 2018 йилда унга Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги унвони берилди.

**Гулноза БОБОЕВА, ЎЗА мухбири**

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ  
— 27-29 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотица кўра, 17 сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлослиқни даражаси паст бўлади.  
Тошкент шаҳрида 17 сентябрь кун ҳаво ўзариб туради, ёнғинларчилик бўлмайди. Шарқдан секундица 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи

## Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

**“ИПАК ЙЎЛИ” БАНКИ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БИЛАН 5 МЛН АҚШ ДОЛЛАРЛИК ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ**

АИТБ “Ипак йўли” ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида имзоланган шартнома Ўзбекистондаги кичик корхоналарга яшил иқтисодий молиялаштириш механизмига (GEFF) йўл очиб, энергия самардорлигини ва қайта тикланадиган энергия манбаларига сармоя киритиши имкониятини яратди.

Ушбу механизм кичик ва хусусий корхоналарга энергия сарфи, иссиқхона газлари чикиндиларини камайтиришга мўлжалланган технологияларни, шунингдек, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг таъсирини камайтира оладиган технологияларни молиялаштириш учун кредитлар ажратади.

“Ипак йўли” банки GEFF доирасида ЕТТБ нинг биринчи шерик банкига айланган ҳамда хусусий компанияларга кредит ажратиш учун ўзбек сўми эквивалентида 5 млн. АҚШ долларига тенг кредит линиясини жалб қилди. Кредит линия энергия тежайдиган ускуналар, иссиқлик изоляцияси, фотоэлектрик қўёш панеллари, геотермал иссиқлик насослари ва сувни тежайдиган сўғориш тизимлари каби яшил технологияларга инвестицияларни ўз ичига олади. Ушбу кредит линияси доирасида лойиҳа ташаббускорларига энергия самардорлиги бепул маслаҳатлари тақдим этилади, бу эса “Ипак йўли” банки мижозларига ўз корхоналарида илғор халқаро тажрибани жорий этишга имкон беради.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ЕТТБ кредит линиясининг асосий афзалликларидан бири муваффақиятли амалга оширилган лойиҳаларнинг ташаббускорларига мақбул лойиҳанинг кредит миқдорининг 10 дан 20 фоизгача грант маблағлари берилишидир.

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**  
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ал-Хоразмий филиали таркибидеги

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ўрикзор мавзеси, ТХАЙ кўчаси, Улғуржи савдо мажмуаси биносиде жойлашган “Карвон” минибанкини Банк хизматлари марказига айлантириш бўйича мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**  
Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор-30, 16А-уй. Телефонлар: (71) 287-54-41, (71) 270-02-52.

Нархлари фойзда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 календарь кун муддат ичида қабул қилинади.

“Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Зарбулоқ кўчаси, 35-уй, 3-хонадон учун Эргашев Музаффар Махкамбаевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“ОТASH – SERVIS” ХУЖМШ (СТIP 203381152) ва “ОТASH – SERVIS BIRINCHI” ХУЖМШ (СТIP 205419813) “BUYUK MAQSAD KAMMUNAL” NNT (СТIP 302711348)га қўшилаётганини маълум қилади.

“ОТASH – SERVIS” ХУЖМШ ва “ОТASH – SERVIS BIRINCHI” ХУЖМШ ҳуқуқий вориси “BUYUK MAQSAD KAMMUNAL” NNT хисобланади. Мурोजат учун манзил: Учтепа тумани, Чилонзор 23-мавзе, 42-уй.

“STATUS TRANS PROJECT” (СТIP 306460642) МСНУ устав фонди 50 000 000 сўмдан 10 000 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 7-мавзе, 42-уй, 40-хонадон.

**Тошкент Оқшом**  
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Телефонлар: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, Факс: (0-371) 233-29-55  
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган  
Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ  
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz  
Буюртма Г. 9-46  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563  
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
1387 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2  
Толшириш вақти: 13.00  
Босишга топириди: 15.20  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси-мосхонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй  
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ  
1 2 3 4 5